

## Пудрат шартномаси

Кейинги ўришларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Избоскан туман Мактабгача таълим бўлими” директори **Н.Кобилова** бир томондан ва кейинги ўришларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Пойтуг бунёдкори” МЧЖ номидан Низом асосида директори **Ф.Хомидов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича “Избоскан туман № 42 мактабгача таълим ташкилоти” объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шартнолар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича “Избоскан туман мактабгача таълим бўлими № 42 ДМТТ ” объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шартнолар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил лот рақами “221100122060041” электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 90 500 000.00 (Тўқсон миллион беш юз минг ) сўмини ташкил этади.

### III. Пудратчининг мажбуриятлари.

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

### V. Ишларни бажариш муддати

6. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

7. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 28 кунни ташкил этади.

### VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказ 27150000 (Йигирма етти миллион бир юз эллик минг) сўмини ташкил этади.

10. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VII. Ишларни бажариш**

12. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақтинини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

13. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

14. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

15. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

16. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тулрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тулрокни қазиб олиш учун жой ажратиб тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

18. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлиқ белгиларини тақдим этади.

19. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлиқ белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

20. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландлиқлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

21. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

22. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

23. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

24. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

25. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмастан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

26. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

### **VIII. Ишларнинг кўришлари**

27. Пудратчи ишлар бошланганидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсишган қурилиш майдони худудидagi материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўришганини таъминлайди.

28. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин саклангани учун Буюртмачи жануб беради.

### **IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

29. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

30. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириши ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

31. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **X. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

32. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

### **XI. Кафолатлар**

33. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меърилари, қондалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;
- объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

34. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

35. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мажбур нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XII. Шартномани бекор қилиш**

37. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошлангани Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,  
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондалари назарда тутилган ишларнинг сифати насайининга олиб келадиган даражада бузилганда;  
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилишини Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;  
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;  
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор қилинган қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

41. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

42. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

43. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

44. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

45. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишида Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорда Пудратчидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада инфодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## **XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## **XIV. Алоҳида шартлар**

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришига ҳаққидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусxada тузилади.

57. Мазкур шартнома туман газначилик бўлимиасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

#### XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

##### “Буюртмачи “

Номи: “Избоскан туман МТБ”  
Манзил: Пойтуғ шаҳар Нахшбанд куча  
Ш/Х 100022860032147091100251024  
ИНН : 305158448 МФО ; 92400  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирлиги Газначилиги  
Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент  
Х/Р 23402000300100001010  
МФО: 00014 ИНН : 201122919

МТБ мудир: Н.Кобилова

##### “Пудратчи”

Номи: “Пойтуғ бунёдкори” МЧЖ  
Манзил: Избоскан т, Пойтуғ шаҳар  
Иттифок кучаси 48 уй  
Банк номи: Миллий банк  
х/р: 20208000009862679001  
СТИР: 306047466 МФО: 00074  
Тел: +998 91 60000000

Индекс: 170001

Рахбар



	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b> Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	MARVARID ARTIKOVA URINBOYEVNA
	Imzolangan sana	20.12.2022 14:54
	Hujjat kodi	XZ2152708323
	Hulosa kodi	EZ4478260011


## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

EZ4478260011

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **POYTUG BUNYODKORI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "IZBOSKAN TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 20.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Izboskan tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



A.K.QOSIMOV

20.12.2022

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 206041 на приобретение Избоскан туман 42 МТТ да мукаммал тамири(хожатхона куриш) учун**

Способ проведения электронный

Дата 14.12.2022

Время рассмотрения 05.12.2022 14:38

Конкурсная комиссия Избоскан тумани мактабгача таълим бўлими (Марказлашган хисобхона), (Далее - Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	QOBILOVA NAZIRA KAMARIDINOVNA	Мудира	Избоскан туман МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	QAMBAROVA RA'NOXON ISXAKIONOVNA	Шуба мудири	Избоскан МТБ
<b>Член комиссии</b>	MAMADINOV MADAMINJON JAMOLDINOVICH	ЭКСПЛУАТАЦИЯ РАХБАРИ	Избоскан МТБ
<b>Член комиссии</b>	XOJMURODOVA NIGORAXON MUTALI.IBOV'NA	Шартнома мутахасиси	Избоскан туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	SHAMSIDDINOV AZIMJON G'OPIRJON O'G'LI	Мухандист	Избоскан МТБ
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOVA GULCHEXRA BAXODIROVNA	БОШ ХИСОБЧИ	Избоскан МТБ
<b>Член комиссии</b>	REJABOV SAYFULLO SHAXOBIJONOVICH	мухандис	Избоскан туман МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.12.2022 года № лота 206041.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	Услуги по капитальному ремонту сооружений
<b>Подробное описание</b>	Избоскан туман 42 ДМТТ хожатхона куриш учун
<b>Количество товара</b>	1.00
<b>Единица измерения</b>	усл. ед
<b>Цена товара (услуги) за единицу</b>	91 121 430.00
<b>Стартовая сумма</b>	91 121 430.00
<b>Валюта</b>	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мавжуд техника, механизм ва асбоб ускуналар билан жихозланганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техника, механизм ва асбоб ускуналар билан жихозланганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	15	90500000	15	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	15	91121430	15	Экспертная		

Критерий №2 Пудратчи корхона тугрисида умумий маълумот (Гувоҳнома, низом, ишчи ходимлар тугрисида маълумотлар)

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи корхона тугрисида умумий маълумот (Гувоҳнома, низом, ишчи ходимлар тугрисида маълумотлар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	20	90500000	20	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	20	91121430	15	Экспертная		

Критерий №3 Охирги йиллардаги молиявий натижалари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги йиллардаги молиявий натижалари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	15	91500000	15	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	15	91121430	5	Экспертная		

Критерий №4 Пудратчининг ишларни муддатида бажаришда расмий холатда кафолат хати, коррупцияга йул куймаслик тугрисида аризаси, солик дан карздорлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчининг ишларни муддатида бажаришда расмий холатда кафолат хати, коррупцияга йул куймаслик тугрисида аризаси, солик дан карздорлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	20	90500000	10	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	20	91121430	15	Экспертная		

Критерий №5 Курилиш пудрат ташкилотини ухшаш объектларни башжарганлик юзасидан маълумоти (пдфда тасдиланган холда)

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш пудрат ташкилотини ухшаш объектларни башжарганлик юзасидан маълумоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	15	90500000	15	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	15	91121430	15	Экспертная		

Критерий №6 Пудратчи банкротлик аломатлари мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот (пдфда, тасдикланган)

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи банкротлик аломатлари мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот(пдфда , тасдиқланган )

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	15	60500000	15	Экспертная		
ООО NURULLO BIYOR QURILISH	15	91121430	15	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Услуги по капитальному ремонту сооружений

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
ООО NURULLO BIYOR QURILISH	91 121 430.00	91 121 430.00 UZS	91 121 430.00	00.00	91 121 430.00
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	91 121 430.00	90 500 000.00 UZS	90 500 000.00	00.00	90 500 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 91 121 430.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (Балл)
ООО NURULLO BIYOR QURILISH	91 121 430.00 UZS	91 121 430.00	00.00	00.00	91 121 430.00	13.12.2022 22:59:17	19.8636
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	90 500 000.00 UZS	90 500 000.00	00.00	00.00	90 500 000.00	13.12.2022 18:16:03	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО NURULLO BIYOR QURILISH	64	19.8636	83.8636
Пойтуг Бунёдкори МЧЖ	72	20	92

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 206041 от 14.12.2022 года на приобретение Избоскан туман 42 МТТ да мукаммал тамири(хожатхона куриш) учун определила победителем:

Пойтуг Бунёдкори МЧЖ  
306047466

и резервный исполнитель: ООО NURULLO DUYOR (ОБН) (ИНН: 307929324)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ҚОБИЛОВА НАЗРА КАМАРОВНА	Согласен	
Член комиссии	ХУШИМБЕРОВА НУБОРАХОН МУТАЛИБОВНА	Согласен	
Член комиссии	ШАМШЕРИМОВ АЗИМОН С. ОРТЕВОН ОҚИЛИ	Согласен	
Член комиссии	БЕЛЛОВ САТТЕЛЛО ШАХОРВОНОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	МАХМУДОВА ГИЛСЕНУРА РАХИМОВНА	Согласен	


Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП.

Избосқан тумани дароматдан ортириб бажарилган хисобидан таъбирларини молиялаштириш бўйича  
МАЎЗИДАИ РЎЙХАТ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Избосқан тумани хокими ўринбосари  
Б.Қамбаров

№	Қисқача мазмуни	Хақиқатда ажратилган	Буюртмачи ташкилот
Жами		404 000	х
1	Избосқан туман 8-мактабгача таълим муассасини хожатхона қуриш	93 000	Мактабгача таълим бўлими
2	Избосқан туман 42-мактабгача таълим муассасини хожатхона қуриш	90 500	Мактабгача таълим бўлими
3	Избосқан туман 4-мактабгача таълим муассасини истиш тизимини таъмирлаш	27 000	Мактабгача таълим бўлими
4	Избосқан туман 13-мактабгача таълим муассасини истиш тизимини таъмирлаш	47 500	Мактабгача таълим бўлими
5	Избосқан туман 51-мактабгача таълим муассасини истиш тизимини таъмирлаш	27 000	Мактабгача таълим бўлими
6	Избосқан туман 3-умумий ўрта таълим мактабининг истиш тизимини таъмирлашга	119 000	Халқ таълим бўлими



Ўзбекистон Республикаси Таълим ва  
Туман мактабгача таълим муассаси  
Избосқан тумани молия бўлими муаури  
А.Муслимов

*(Handwritten signatures)*

Б.Ахмедов  
Н.Қобилова  
А.Муслимов